

FACTORS OF DEVELOPMENT OF THE FRUIT AND VEGETABLE SECTOR IN UZBEKISTAN

Israilova H.M.

Tashkent State named after Islam Karimov

Technical University "General and Economic Sciences"

senior lecturer of the Department, researcher Uzbekistan National University

Annotation: in the development of the national economy in this article At the new stage of implementation of the next strategy for the development of the agrarian sector in the country, the main goal is to further strengthen food security on the basis of increasing the agricultural production potential in the private production of food resources, the effective use of land and Water Resources. At present, however, there are a number of factors that negatively affect the fruit and vegetable sector and its export potential.

Keywords: economy, regional economy, agricultural economy, fruit and vegetable sector.

ЎЗБЕКИСТОНДА МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК ТАРМОҒИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ОМИЛЛАРИ

Исраилова Х.М.

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат

техника университети “Умумқасбий ва иқтисодий фанлар”

кафедраси катта ўқитувчиси, ЎзМУ тадқиқотчиси

Аннотация: Мазкур мақолада миллий иқтисодиётни ривожлантиришда

Мамлакатда аграр соҳани ривожлантиришнинг навбатдаги стратегиясини амалга оширишнинг янги босқичида асосий мақсад озиқ-овқат ресурсларининг хусусий ишлаб чиқариши, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш негизида озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш ҳисобланади. Бироқ ҳозирги вақтда мева-сабзавот тармоғи ва унинг экспорт салоҳиятига салбий таъсир кўрсатадиган қатор омиллар мавжуд.

Калит сўзлар: иқтисодиёт, минтақавий иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти, мева-сабзавотчилик, мева-сабзавотчилик тармоғи.

1. *Ер ва сув ресурсларининг чекланганлиги.* Ер ва сув ресурслари чекланган шароитда ва республика аҳолисининг доимий ўсишини ҳисобга олиб, қишлоқ хўжалигини юритишнинг анъанавий усуллари янгича ёндашувларни талаб қилади. Мева-сабзавотчилик ва узумчиликни жадал ривожлантириш учун янгича ёндашув ва механизмлар, бутун қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши таркибини ўзгартириш, инновацион ва ресурстежамкор технологияларни жорий этишни тақозо этади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши таркибида мева-сабзавотчиликнинг улуши 32,0% дан ортиқроқни ташкил этади. Бироқ мева-сабзавотчилик экинларига ажратиладиган экин майдонларининг улуши умумий экин майдонининг 20% идан ошмайди. Ер ва сув ресурсларининг объектив чекланганлиги ва тупроқнинг бонитет баллини ҳисобга олган ҳолда экин майдонлари жойлашувини мақбуллаштириш ва таркибини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалиги экинларининг ички ва ташқи бозорларда талаб қилинган ва ҳосилдор экинлар учун танлов ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини муҳим даражада ошириш ва шу асосда бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини ишлаб чиқариш ҳажмларини оширишга эришиш имконини беради.

Бу ҳақда аввалги йилларда эришилган натижалар гувоҳлик беради. Масалан, қишлоқ хўжалиги умумий экин майдонида картошка ва полиз экинлари – 1991 йилдаги 7% дан 2016 йилдаги 9,5% (350,6 минг га) гача ошди, техника экинларининг улуши эса 41,9% дан 34,2% гача (1,27 млн.га) қисқарди. Ушбу кўрсаткичлар 2023 йилда, мос равишда, 14,3% ва 7,7% ни ташкил этди.

Ҳозирги вақтда барча суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларининг 27% идан ортиғи мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш учун ишлатилади¹. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариши умумий ҳажмида тармоқнинг улуши 40% га яқинни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортида эса – 43,4% ни ташкил этади. Экин майдонларини мақбуллаштириш билан бир каторда, мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида замонавий технологиялар ва инновацияларни жадаллашган жорий қилиш, янги интенсив боғлар ва узумзорлар

¹ Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Т.: 2023. – Б.81-92

ташкил қилиш, сувтежамкор, тузга ва биологик зараркунандаларга чидамли сабзавот экинларининг янги навларини яратиш бўйича ишлар ҳам зарурдир.

2. *Туманлаштириш тизими ва уруғчиликдаги камчиликлар.* Мева-сабзавот маҳсулотлари, полиз ва дуккакли ўсимликларни экиш, асосан, кичик ва тарқоқ майдонларда амалга оширилиб, уларда ҳар хил тур, нав ва кўринишдаги мева-сабзавот ва дуккакли маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Буларнинг ҳаммаси хорижий харидорлар учун нави, ўлчами ва ташқи кўриниши бўйича талабларга жавоб бермаган ҳолда экспортдаги муаммоларни вужудга келтиради. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда 40 дан ортиқ турдаги сабзавот, полиз экинлари ва картошка, 32,5 мингдан ортиқ мева навлари ва 955 навадаги узумлар етиштирилади. Шу билан бир вақтда, ҳар йили 100 тоннадан ортиқ ҳар хил турдаги сабзавот уруғлари импорт қилинади. Замонавий уруғчиликнинг вазифаси экологик тоза, ноқулай шароитларга мослашишга лаёқатли навларни яратишдан иборат. Сабзавот экинлари билан қайта ишлаш ва экспорт қилиш учун турли ҳосилдор навларни яратиш бўйича уруғчилик ишларини олиб бориш лозим.

3. *Мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш даражаси.* Мева-сабзавот маҳсулотларининг экспорти чуқур қайта ишлаш ва ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва ассортиментини кенгайтириш ҳамда чуқур қайта ишлаш орқали ўсиш учун катта салоҳиятга эга. Мева-сабзавотчилик тармоғи экспортининг ривожланиши қуйидагиларга асосланиши зарур:

1) хом ашё асосининг жадал ривожланиши;

2) қишлоқ хўжалиги хом ашёсини чуқур қайта ишлаш бўйича хорижий инвестициялар жалб қилинадиган янги ишлаб чиқаришларни куриш ва амалдагиларини модернизация қилишга;

3) замонавий савдо-логистика марказлари ва музлатгич қувватларини яратишга. Масалан, 2016-2020 йиллар давомида қуйидагилар кўзда тутилганди:

- минтақаларда қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлайдиган 370 та корхона, жумладан, 99,1 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича 138 та корхона ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва

умумий суммаси 585,9 млн.АҚШ долларини ташкил этадиган ярим фабрикатлар ва тайёр озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича янги корхоналар қуриш, амалдаги корхоналарни тиклаш ва модернизациялаш бўйича 180 та инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, улардан 197,8 млн. АҚШ доллари суммасида мева-сабзавот тармоғини ривожлантириш бўйича 85 та лойиҳани амалга ошириш йўли билан саноат усулида қайта ишлаш ва юқори қўшилган қийматли ишлаб чиқариш даражасини ошириш;

- ҳар бир вилоятда музлатгичда сақлаш умумий сифими 36,5 минг тоннали мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш, бирламчи қайта ишлаш, қадоқлаш, сақлаш, транспортивкалаш ва экспорт қилиш бўйича савдо-логистика марказларини ташкил қилиш;

- замонавий музлатгич ускуналари билан жиҳозланган сақлаш жойларининг моддий-техник асосини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, 325 минг тоннали қувватга эга бўлган мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш учун замонавий музлатгич камераларини қуриш².

Қуйидагилар ушбу вазиятнинг сабаблари ҳисобланади:

А) Мева-сабзавот маҳсулотларини харид қилиш ва тайёрлашнинг мавжуд тизимидаги узилишлар. Ишлаб чиқарилаётган мева-сабзавот маҳсулотларининг 50 фоиздан ортиғи деҳқон хўжаликлари ва аҳолининг шахсий томорқа хўжаликларига тўғри келади. Бироқ юридик шахс ташкил қилган деҳқон хўжаликларининг улуши 10% дан камроқни ташкил этади. Бунда контрактация шартномаларини тузиш ва юридик шахс ташкил қилмаган ҳолда деҳқон хўжаликлари билан ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш механизми мавжуд эмас. Юридик шахс ташкил қилмаган ҳолда деҳқон хўжаликлари билан ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва контрактация шартномаларини тузиш механизмини ишлаб чиқиш зарур.

- давлат эҳтиёжлари учун харидлар масаласини пухта тартибга солиш тақозо этилади. Ишлаб чиқарувчилар билан контрактация шартномаларини тузган ҳолда

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 мартдаги ПҚ-25-сонли Қарори билан тасдиқланган “2016-2020 йилларда хом ашё базасини ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлашни чуқурлаштириш, истеъмол товарларини ишлаб чиқариш ва экспорти ҳажмини ошириш ва номенклатураси ва ассортиментини кенгайтириш тўғрисида” ги чора-тадбирлар Дастури.

мева-сабзавот маҳсулотлари ҳисобини юритадиган давлат буюртмачилари давлат томонидан белгиланган режалардан келиб чиқиб, амал қиладилар.

Ҳукумат қарори билан тайёрлов-корхоналарининг ўзлик айланма маблағлари, Марказий банк қайта молиялаш ставкасидан ошиб кетмаган ставкаларда тақдим қилинадиган тижорат банкларининг имтиёзли кредит ресурслари ҳисобига мева-сабзавот маҳсулотларини харид қилиш ва сақлаш учун молиялаштиришни амалга ошириш кўзда тутилган бўлишига қарамай, тижорат банклари томонидан давлат эҳтиёжлари учун мева-сабзавот маҳсулотларини харид қилишга имтиёзли кредитлар ажратиш ўз вақтида ва тезкор бажарилмаяпти.

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 12 апрелдаги ПҚ-2520-сонли қарори билан “Ўзбекозиқовқатхолдинг” ХК таркибига кирадиган қайта ишловчи корхоналарга 2019 йил 1 январгача солиқ имтиёзлари тақдим қилинган эди. Имтиёзлар тақдим қилиш билан боғлиқ равишда, бўшатиб олинаётган маблағлар техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва ишлаб чиқаришни модернизациялашга мақсадли фойдаланишга тортилади. Жойларда солиқ органлари томонидан солиқ имтиёзлари тақдим қилиниши натижасида бўшатиб олинаётган маблағлардан фойдаланишнинг мақсадли хусусияти туфайли бўшатилаётган маблағларни техник қайта жиҳозлаш ва модернизациялашга дарҳол йўналтириш тақозо этилади.

Б) Мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида рақобат муҳитининг мавжудмаслиги муаммолигича қолмоқда. Минтақа даражасида қайта ишловчилар монополизми³ кўпинча минтақаларда бир-иккита қайта ишловчи корхоналар мавжуд бўлиб, улар мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари билан ўзаро муносабатларида етарли даражада паст харид нархлари белгилайдилар, ишлаб чиқарувчиларни ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга рағбатлантirmайдилар.

4. *Ўзбекистон экспортининг диверсификациялашмаганлиги.* Ўзбекистон ҳар йили тахминан 700 минг тонна ҳажмида ҳўл ва қуруқ мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилади. Қиймат ифодасида ушбу кўрсаткич асосий сотиш

³ Монополия – (грекча *μόνος* сўзидан олинган бўлиб, бир, *όψωνία* харид, деган маънони англатади) – бозордаги вазият бўлиб, уларга нарх ва сотиш ҳажмини намоиш этган ҳолда сотувчилар билан ўзаро таъсирлашувчи ягона харидордир.

бозорлари конъюнктурасидан келиб чиқиб, ўзгаради. Ўзбек маҳсулотларининг асосий сотиш бозорлари Қозоғистон (умумий экспорт ҳажмининг 67% и), Россия (17%), Афғонистан (5%), Қирғизистон (2%) ва бошқа мамлакатлар (9%) ҳисобланади.

Ҳукумат томонидан қишлоқ хўжалиги ва боғдорчиликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани боис, экспорт қилинаётган маҳсулотлар сифати ва ҳажми йилдан-йилга ортиб бормоқда. Жумладан, 2023 йилда 1757,7 минг тонна мева ва сабзавотлар экспорти амалга оширилган бўлиб, ушбу кўрсаткич 2022 йилга нисбатан 1,1% га ёки 18,9 минг тоннага кўпайди.

Мева-сабзавот маҳсулотларининг асосий бозорлари Россия (37,0%), Покистон (16,7%), ХХР (12,3%) ҳамда Қозоғистон (10,3%) давлатлари ҳиссасига тўғри келган. 2023 йилда озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий қисми бўлган 1180,8 млн. АҚШ долл. қийматидаги мева-сабзавот экспорт қилинди. Бу кўрсаткич 2022 йилга нисбатан 3,3% га кўпайди ва жами экспортдаги улуши 4,8% ни ташкил этди (2.2.1-жадвал).

2.2.1-жадвал

Мева-сабзавотлар экспорти таркиби, млн.АҚШ долл.⁴

	2019	2020	2021	2022	2023
Мева ва резаворлар	406,8	353,9	280,6	291,6	547,6
Сабзавотлар	471,3	400,0	422,0	489,0	563,4
Узум	223,7	188,3	208,5	280,1	155,1
Янги қовун ва тарвузлар	13,1	35,6	22,7	37,2	40,0
	1114,9	977,8	933,8	1097,9	1306,1

2023 йилда мева ва сабзавотлар экспортининг қиймат жиҳатдан энг катта ҳажми Россияга тўғри келди (мева ва сабзавотлар экспорти умумий ҳажмининг 37,0%ни), бу кўрсаткич Покистонга экспорт ҳажмидан 2,2 баробар кўп (2.2.2-илова).

Мева-сабзавот маҳсулотларининг асосий экспорт бозорлари Қирғизистон, Қозоғистон, Россия ва Туркия давлатлари ҳиссасига тўғри келган. Маълумотларга кўра, 2019 йил якунида республика бўйича ишлаб чиқарилган 19,2 миллион тоннадан ортиқ мева-сабзавот маҳсулотларининг 132 тури соф ёки қайта ишланган

⁴ Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. -Т.:2023. -Б.66

ҳолда 69 та чет мамлакатларига (1,4 млн. тоннадан зиёд 1,2 млрд. доллар қийматига яқин) экспорт қилинишини ҳисобга олинса, масаланинг нақадар муҳимлиги намоён бўлади.

Мева-сабзавотчилик маҳсулотлари экспорт ҳажмининг ошишига барра ва қайта ишланган сабзавотларнинг 2018 йилга нисбатан мос равишда 1,8 ва 1,6 баробарга ошгани ҳамда жами мева-сабзавот таркибида 46,5 % ни ташкил этиши билан сезиларли таъсир ўтказган. Мамлакатимизда апрель-май ойларида кўкат, помидор, бодринг, гилос ва ўрик маҳсулотлари экспортининг 60 фоизидан ортиғи ушбу маҳсулотларга тўғри келади.

Таъкидлаш жоизки, 2019 йил умумий экспортдаги мева ва сабзавотларнинг улуши 6,7% ни ташкил этди. Мева-сабзавот экспорти қийматда энг кўп Қирғизистон Республикаси ҳиссасига (жами мева-сабзавот экспортдан 26,7%), натура кўринишида эса Қозоғистонга экспорт ҳажми 556,5 минг тоннани ташкил этиб, Қирғизистон Республикасига нисбатан 4,4 баробар кўпни ташкил этди ⁽³⁾.

Мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти динамикасига таъсир кўрсатаётган муаммолар қуйидагилар:

1) Экспорт назорати тартиботларининг мураккаб хусусияти. Зарурий экспорт сертификатлари ва экспорт божхона расмийлаштирувига эга бўлиш жараёни турли жойларда, маҳсулотни юклаш жойидан ажралган ҳолда кечади. Зарурий ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби 2-3 кунни олади, чунки экспорт учун зарурий сертификатларни (келиб чиқиш сертификати, фитосанитар сертификат, гигиеник сертификат ва б.) тақдим этувчи органлар турли жойларда ва асосан, вилоят марказларида жойлашган.

Тартиботга мувофиқ, маҳсулот экспортёри буюртмани бериши, хизматлар ҳақини тўлаши, кейинроқ эса маҳсулот намунасини таҳлил учун тақдим қилиши ёки ваколатли орган экспертига маҳсулотни ишлаб чиқариш-юклаш жойида кўрсатиши ҳамда янгитдан сертификатловчи орган идорасига бориши ва сертификат олиши керак бўлади.

2) Экспортёрлар учун молиявий ресурсларга киришнинг чекланганлиги. Молиялаштиришга киришнинг чекланганлиги экспортёрларнинг асосий муаммоларидан бири ҳисобланади. Халқаро амалиётда савдо молиялаши воситалари кенг қўлланилмоқда, масалан, банклар ёки молия институтлари ишончли мижозларга тузилган шартномаларга мувофиқ, маҳсулот ишлаб чиқариш ёки тайёрлаш учун гаров тақдим қилмаган ҳолда қисқа муддатли кредитлар ажратади. Бошқа муҳим восита факторинг ҳисобланади. Ушбу восита ҳақ тўлашнинг тўловни кечиктириш шаклида савдо тармоқлари билан ишлаш учун муҳимдир.

3) Экспорт суғурталашни тизимидаги камчиликлар. Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бўйича асосий савдо операциялари етказиб бериш ва суғурталашни (CIP, DAP, CFR ва б.) ҳисобга олиб, етказиб бериш ҳамда ҳақ тўловини кечиктириш шароитида товарни белгиланган пунктга етказиб бергандан кейин амалга оширилади.

4) Тайёрлов ташкилотларининг фаолиятини лицензиялаш. Тайёрлов фирмалари кейинчалик экспорт қилиш мақсадида фермерлардан маҳсулотларни харид қилиш учун улгуржи савдо лицензиясига эга бўлишлари зарур. Лицензия олиш шартлари – устав фондида 3500 энг кам иш ҳақи ҳажмидаги сумманинг мавжудлиги, бу эса бугунги кунда 455 млн.сўмдан кўпроқни ташкил этади. Натижада тайёрлов ташкилотлари экспорт фаолиятидан воз кечиш ёки қонунларни бузишга мажбур бўладилар. Лицензия мавжудлиги ҳақидаги талабларни бекор қилиш ёки уни олиш учун талабларни камайтириш зарур.

Амалдаги қонунчиликда жисмоний шахслар томонидан мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш кўзда тутилмаган. Экспортнинг бир қисми хусусий шахслар томонидан кичик ҳажмларда амалга оширилиши, юридик шахс ташкил этиш, улгуржи савдо лицензиясига эга бўлиш – КБХТ субъектлари учун мураккаб вазифа эканлигига эътибор қаратган ҳолда, маҳсулотлар экспорти яқка тадбиркорлар томонидан ҳал қилиниши зарур бўлиб, ҳозирги вақтда ўз маҳсулотларини воситачилик фирмалари орқали экспортга чиқармоқдалар.

5) Сақлаш учун маҳсулотларнинг етарли бўлмаган ҳажми. Мева-сабзавот маҳсулотлари йўқотишлари ҳажмини камайтириш учун тайёрлов ва сақлаш стандартларини жорий этиш ва замонавий сақлаш инфратузилмасининг мавжудлиги зарурий шарт ҳисобланади. Бироқ мева-сабзавот маҳсулотларини харид қилиш, сотиш ва экспорт қилиш тизимига бевосита таъсир қилувчи муаммолардан бири замонавий сабзавот-мева сақлаш жойларининг етишмаслиги ҳисобланади. Етиштирилган сабзавотларнинг 30% игачаси (картошка, пиёз, сабзи, карам, лавлаги) махсус сақлаш жойлари етарли бўлмаганлиги туфайли истеъмолчига қадар етиб бормади. Республика барча ҳудудлари бўйича музлатгич қувватлари сонининг йиллик ўсишига қарамасдан, бугунга келиб, мева-сабзавот маҳсулотларини бир вақтда сақлаш ҳажми 800 минг тоннани (бу ишлаб чиқариш ҳажмининг 5% ини ташкил қилади) ташкил этади. Тайёрланган маҳсулотни ўртача 2-3 ой сақлаш кераклигини эътиборга олган ҳолда ушбу кўрсаткич камида 20-25% га кўп бўлиши лозим. Музлатгичли омборларни вилоят марказларида эмас, балки бевосита ишлаб чиқарилган жойига яқин жойда ташкил қилишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

6) Мева-сабзавот маҳсулотларини қадоқлаш. Янги, қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотини сифатли тайёрлаш ва етказиб беришнинг муҳим талабларидан бири маҳсулотларни қадоқлаш ҳисобланади. Сифатли ва тақдим қилинган қадоқлаш маҳсулотлар йўқотишларини камайтириш ва маҳсулотларни юқори нарх сегментида сотиш имкониятини беради. Республика идиш-қадоқлаш тармоғининг босқичма-босқич ривожланишига қарамай, идиш-қадоқлаш материаллари ҳалигача нархи ва сифати бўйича рақобатбардош эмас ва ҳажми бўйича етарли бўлмаганлигича қолмоқда.

7) Маҳсулотларни транспортировкаш муаммолари. Мева-сабзавот маҳсулотлари экспортининг катта қисми автомобиль транспортига тўғри келади. Ўзбек мева-сабзавот маҳсулотларини етказиб бериш ҳажми, муддатлари ва қиймати кўп жиҳатдан бошқа мамлакатлар автотранспорт воситаларининг мавжудлиги билан боғлиқ. Бироқ рефрижераторли фуралар бўйича мавжуд автопарк экспорт

эҳтиёжларини қаноатлантирмайди. Транспортировкакаш қиймати, мавсуми ва транспорт воситаларининг мавжудлиги бўйича тебраниб туради. Бу эса экспорт маҳсулотлари етказиб беришда барқарорликни таъминлаш имконини бермайди. Ушбу масалани ҳал қилиш учун темир йўл транспорти орқали етказиб беришга урғу бериш лозим. Бироқ транспорт ушбу турлари билан етказиб бериш маҳсулотларни фақат темир йўл тармоғи ўтган пунктларда юкланиши ва жўнатилиши зарурлиги, юклаш энг кам партияси камида 50 тонна эканлиги (рефрижератор секцияси ҳолатида энг кам партия 200 тоннани ташкил қилади), жўнатиш муддати автотранспортга нисбатан узоқлиги каби қатор камчиликларга эга. Бундан ташқари, кўп ҳолларда “Ўзбекистон темир йўллари”нинг экспорт маҳсулотини ташишга темир йўл тарифлари республика ички эҳтиёжлари учун маҳсулот ташишда қўлланиладиган тарифлардан ошиб кетади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони.
2. 2023 йил 28 февралдаги ПФ-27-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сонли Фармони.
4. Гофуров А. Экономические проблемы повышения эффективности сельхозпроизводства (на примере Ферганской долины). Т., “Фан”, 1979, с.127.
5. Гаффаров А. Производительные силы Ферганского региона в условиях перехода к рыночной экономике. Т.: “Фан”, 1994. с.172.
6. Гришаева Л. Концептуальные основы аграрного рынка / Л. Гришаева // Международный сельскохозяйственный журнал. –2002. –№ 1. –С. 21.